

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.29.08.2017.S.01.08 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ

САИДОВ САНЖАР ШАВКАТОВИЧ

**ИЖТИМОЙ КАПИТАЛ РИВОЖИДА ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ
ИНСТИТУТЛАРИ ИШТИРОКИНИ ТАЪМИНЛАШ
ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ**

23.00.02 – Сиёсий институтлар, жараёнлар ва технологиялар

**Сиёсий фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2019

**Сиёсий фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD)
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации
доктора философии (PhD) по политическим наукам**

**Contents of Dissertation Abstract
of the Doctor of Philosophy (PhD) on Political Sciences**

Саидов Санжар Шавкатович

Ижтимоий капитал ривожда фуқаролик жамияти институтлари
иштирокини таъминлаш тенденциялари 3

Саидов Санжар Шавкатович

Тенденции обеспечения участия институтов гражданского
общества в развитии социального капитала 21

Saidov Sanjar Shavkatovich

Tendencies of enhancing the participation of civil society
institutions in the development of social capital 39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 43

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.29.08.2017.S.01.08 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ

САИДОВ САНЖАР ШАВКАТОВИЧ

**ИЖТИМОЙ КАПИТАЛ РИВОЖИДА ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ
ИНСТИТУТЛАРИ ИШТИРОКИНИ ТАЪМИНЛАШ
ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ**

23.00.02 – Сиёсий институтлар, жараёнлар ва технологиялар

**Сиёсий фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2019

Сиёсий фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.3.PhD/Siyos66 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (<http://nuu.uz>) ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Жўраев Нарзулла Қосимович
сиёсий фанлар доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Ахмедов Хусниддин Аликулович
сиёсий фанлар доктори (DSc)

Хасанов Атабек Абдирашидович
сиёсий фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD)

Етакчи ташкилот:

Тошкент давлат иқтисодиёт университети

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.29.08.2017.S.01.08 рақамли Илмий кенгашнинг 2019 йил «__» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 4-уй. Тел.: (99871) 227-12-24; факс: (99871) 246-02-24; e-mail: nauka@nuu.uz Ўзбекистон Миллий университети Ижтимоий фанлар факультети биноси, 5-қават, 511-хона.)

Диссертация билан Ўзбекистон Миллий университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 4-уй. ЎзМУ Маъмурий биноси, 2-қават, 4-хона. Тел.: (99871) 246-67-71; факс: (99871) 246-02-24.)

Диссертация автореферати 2019 йил «__» _____ куни тарқатилди.
(2019 йил «__» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси.)

Ш.И.Пахрутдинов

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш раиси, с.ф.д., профессор

О.Р.Мусаев

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш илмий котиби, ф.ф.д. (DSc)

Б.Т.Тўйчиев

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш қошидаги илмий семинар
раиси, ф.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Бугунги кунда глобал миқёсда кечаётган ижтимоий-сиёсий ва социал-иқтисодий ўзгаришлар турли мамлакатлар истиқболига ҳам таъсир ўтказмоқда. Жумладан, ҳозирги вақтда ҳар бир давлат тараққиёти нафақат халқаро муносабатлардаги фаол ҳаракати, балки ички сиёсатидаги демократик бошқарув тизими, иқтисодий барқарорлик, мамлакатда қонун устуворлиги ва инсон ҳуқуқлари таъминланганлиги, фуқаролик жамияти институтларининг ривожланганлиги, аҳолининг сиёсий-ҳуқуқий маданияти, фуқаролик позициясининг шаклланганлиги, энг аввало, жамиятда ижтимоий капиталнинг қай даражада эканлиги билан чамбарчас боғлиқ. Сўнги йилларда ижтимоий капитал категорияси турли мамлакатлар сиёсий жараёнлари ва илмий тадқиқотларида кўп ишлатилаётган замонавий трендга айланиб улгурган.

Жаҳон ҳамжамиятида самарали ижтимоий муносабатлар тизимини қамраб олган, маълум ижтимоий-сиёсий кадриятларга асосланган ҳамда жамиятда ишонч омилни мустаҳкамловчи феномен сифатида ижтимоий капитални назарий ва амалий жиҳатдан тадқиқ қилиш тобора кучайиб бормоқда. Шунингдек, ҳуқуқий-демократик давлат қуриш муносабатларига асосланган кучли фуқаролик жамиятини шакллантиришда муҳим омил ҳисобланадиган ижтимоий капитал имкониятларини тўғри йўналтиришда муаммолар кўзга ташланмоқда. Шу боис ижтимоий капиталнинг махсус компонентларини алоҳида ҳолатда ижтимоий-сиёсий фанлар доирасида концептуал асосда тадқиқ этиш ва амалий имкониятларини очиб бериш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Жамият ижтимоий ҳаётини демократлаштириш ва ислохотларни жадаллаштириш жараёнлари маънавий кадриятлар уйғунлигига асосланган давлат ва фуқаро ўртасидаги ўзаро ишонч тизимини шакллантиришни тақозо қилмоқда. Ижтимоий капиталнинг мамлакатимиз ҳаёти учун нақадар чуқур маънавий зарурат эканлигини «...биз ўз олдимизга қўйган улкан мақсад ва вазифаларни амалга оширишнинг энг муҳим шarti, энг асосий замини ҳам аслида халқимизнинг ишончидир»¹ эътирофи орқали англашимиз мумкин. Шу боис ҳозирда жамиятимизда ижтимоий капиталнинг назарий асосларини шакллантириш ва амалиётга татбиқ этиш механизмларини доимий равишда такомиллаштириб боришни тизимли равишда тадқиқ этиш эҳтиёжи ушбу масаланинг долзарблигини ифодалайди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида», 2019 йил 17 январдаги ПФ-5635-сон «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Фаол инвестициялар ва

¹ Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. -Т.: Ўзбекистон, 2017. Б: 349.

ижтимоий ривожланиш йили»да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида», 2018 йил 4 майдаги ПФ-5430-сон «Мамлакатни демократик янгилаш жараёнида фуқаролик жамияти институтларининг ролини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» фармонлари ҳамда 2019 йил 29 январдаги ПҚ-4139-сон «Сиёсий фанлар соҳасида кадрлар тайёрлаш, фундаментал ва амалий тадқиқотлар самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» Қарори ва соҳага оид бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Ушбу тадқиқот республика илм-фан ва технологияларини ривожлантиришнинг I. «Жамиятнинг маънавий-ахлоқий ва маданий ривожланиши, маънавий кадриятлар, миллий ғоя, маданий мерос, ўзбек халқи ва давлатчилик тарихи ҳамда таълимнинг узвийлик ва узлуксизлиги, баркамол авлод тарбиясини тадқиқ этиш» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ижтимоий капитал концепцияси ўзининг илмий янгилиги ва кўп тармоқлилиги билан доимий равишда назарий ва методологик жиҳатдан янгилашиб, тушунча аппарати кенгайиб бормоқда. Мазкур соҳадаги тадқиқот ва илмий изланишларнинг аксарияти ғарблик олимларга тегишли дейишимиз мумкин. Лекин, шундай бўлсада, ижтимоий капитал концепцияси мазмунини очиб беришда, унинг шахс ва жамият ҳаётидаги ўрнини таҳлил қилишда, бу жараёнда фуқаролик жамияти институтларининг иштирокини белгилашда қамраб олинмаган жиҳатлар ҳам бисёр.

«Ижтимоий капитал» атамаси 1916 йилда биринчи бўлиб Л.Дж.Ханифан томонидан кичик қишлоқ жамоаларидаги ижтимоий муносабатлар тарзида талқин қилинган бўлсада, 80-йилларга келиб француз сиёсатшунос олими П.Бурье² унинг назарий асосланган сиёсий ва социологик таҳлилинини ишлаб чиқади. Муаллиф томонидан мазкур концепция замонавий жамиятнинг ижтимоий тузилишини тасвирловчи инструмент сифатида таъкидланиб, синфийлик контексти асосида баҳоланади. Америкалик сиёсий тадқиқотчи Дж.Коулман эса ижтимоий капитал категориясига оид ўз талқинини баён этади. У мазкур феноменни функционал жиҳатдан изоҳлашга ҳаракат қилиб, ижтимоий капиталнинг кўплаб функция ва ижобий натижаларига эътибор қаратган бўлсада, унинг шаклланиши ва ривожининг манбалари хусусидаги тушунчаларга эътибор қаратмаган.

Ижтимоий капитал омилини илмий тадқиқ қилишда америкалик социолог А.Портес³нинг ҳам хизматлари катта. У ижтимоий капитал феноменини тадқиқ қилиш масаласига ижтимоий ахлоққа таянилган

² Bourdieu P. The forms of capital // Handbook of theory and research for sociology of Education. Ed. by J. Richardson. New York: Greenwood Press, 1986.

³ Portes A. Economic Sociology and the Sociology of Immigration: A Conceptual Overview. // The Economic Sociology of Immigration: Essays on Networks, Ethnicity, and Entrepreneurship. Ed. by A. Portes. New York: Russell Sage Foundation, Pp. 1-43. 1995.

норматив ва мотивациявий жиҳатларга эътибор қаратади. А.Портес ўз тадқиқотларида ижтимоий тармоқларга алоҳида урғу бериб, ижтимоий капитал шаклланишида шахснинг маълум ижтимоий гуруҳ билан идентификацияси катта роль ўйнашини таъкидлайди. Бошқа бир америкалик олим Р.Патнэм, ижтимоий капиталга норматив ва кадриятлар тизими орқали баҳо беради. У мазкур концепцияни фуқаролик жамияти ва жамоавий мақсадларга элтувчи ижтимоий фаровонлик сифатида талқин этган.

Кейинги пайтларда ижтимоий капитал категорияси социология фанидан ташқари иқтисодиёт, сиёсатшунослик нуқтаи назаридан ҳам тадқиқ этилиб, янги ғоялар билан бойиб бормоқда. Жумладан, К.Эрроу, Г.Лоури, Л.Харрисон, С.Хантингтон, Ф.Фукуяма ва бошқалар асарларида мазкур феноменнинг алоҳида жиҳатлари тадқиқ этилган⁴.

Россиялик олимлар ижтимоий капитални тадқиқ қилишнинг ғарбда шаклланган анъанасини давом этдиргани ҳолда, асосан, уни тушунча аппаратини кенгайтиришга ҳаракат қилишган. Ижтимоий капитал концепциясини Россия жамиятидаги ўрнини таҳлил қилишда Е.Аврамова, Т.Ворожейкина, Г.Градосельскова, С.Долуцкова, Л.Колесникова, В.Радаев, В.Римский, Л.Стрельникова, П.Шихиревларнинг асарлари диққатга сазовор. Т.Шанин, А.Леденева, О.Фадеева, Д.Старк, Л.Тимофеевлар тадқиқотларида ижтимоий-иқтисодий жараёнларда ижтимоий капиталнинг айрим жиҳатларига урғу берилган. Бундан ташқари, В.Пациорковский, Н.Тихонова, А.Чепуренко, А.Коньков, Ф.Карасев ва Н.Лебедевларнинг илмий изланишларида ижтимоий капиталнинг жамиятда тутган ўрни ҳамда унинг турли жиҳатлари таҳлил қилиб ўтилган⁵.

Ўзбекистонда ижтимоий капитал ва унинг фуқаролик жамияти тизимидаги ўрни борасида аниқ илмий тадқиқотлар ўтказилмаган бўлсада, мазкур феноменнинг давлат ва жамият ҳаётида тутган ўрнини очиқ беришга қаратилган илмий мақолалар чоп этилган. Жумладан, сиёсий фанлар доктори, профессор А.Муминов ўз илмий мақоласида ўзбек маҳаллалари мисолида ижтимоий капиталнинг шаклланиши борасидаги қарашларини баён этган.

Фуқаролик жамияти концепцияси, унинг тарихий ривожланиши, норматив ва институционал асослари ҳамда ҳуқуқий давлат ва кучли фуқаролик жамиятининг ижтимоий-сиёсий тамойилларига бағишланган бир қанча илмий изланишлар олиб борилган. Масалан, сиёсатшунос олимлар М.Қирғизбоев, И.Эргашев, Н.Жўраев, Ш.Пахрутдинов, Р.Жумаев, С.Жўраев, А.Муминов, А.Жалилов, Ж.Мавлонов ва бошқаларнинг тадқиқотларида фуқаролик жамияти назарияси, Ўзбекистонда фуқаролик жамиятининг шаклланиш босқичлари, унинг ўзига хос хусусиятлари, фуқаролик жамиятининг давлат сиёсий тизими билан боғлиқ жиҳатлари, жамиятнинг ижтимоий хавфсизлиги ҳамда давлат ва жамият бошқарувини демократлаштиришда сиёсий лидернинг ўрни масалалари таҳлил қилинган. Ҳуқуқшунос олимлар З.Исломов, Х.Маматов, Ш.Назаров, У.Фазилов ва

⁴ Диссертацияда ушбу муаллифларнинг тадқиқотларидан кенг фойдаланилган – С.С.

⁵ Ушбу муаллифларнинг илмий ишлари диссертациянинг «Фойдаланилган адабиётлар рўйхати» қисмида келтирилган – С.С.

О.Насриддиновалар илмий ишларида Ўзбекистонда очик фуқаролик жамияти куришнинг ҳуқуқий асосларини яратиш ва такомиллаштириш, ҳуқуқий маданият ва унинг фуқаролик жамиятини шакллантиришдаги роли, фуқаролик жамияти ривожиди жамоат ташкилотларининг назарий ва ҳуқуқий масалалари тадқиқ этилган⁶.

Шундай қилиб, фуқаролик жамияти концепцияси ва ижтимоий ҳаётимизда фуқаролик жамияти институтларининг ўрни борасида кўплаб илмий изланишлар олиб борилган бўлсада, бугунги кунда фуқаролик жамиятининг энг муҳим маънавий асоси бўлмиш – ижтимоий капитал феномени мамлакатимиз илмий жамоатчилигида етарлича тадқиқ этилмаган.

Диссертация ишида Ўзбекистонда кучли фуқаролик жамияти шаклланишида ижтимоий алоқаларни кенгайтириш, маънавий кадриятларни шакллантириш ва жамиятда ишонч омилини мустаҳкамлаш асносида ижтимоий капитални ошириб бориш, бу борада фуқаролик жамияти институтлари иштирокини кенгайтириш масалалари илмий тадқиқ этилган.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация иши Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети илмий тадқиқот ишлари режасининг ПЗ-20170928710-сонли «Ҳаракатлар стратегиясини бажариш даврида мамлакатимизда маънавий хавфсизликни таъминлаш масалалари» мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади жамиятимизда ижтимоий капитал шаклланишининг специфик хусусиятларини аниқлаш ҳамда мустақиллик йилларида Ўзбекистонда фуқаролик жамияти курилиши жараёнида ижтимоий капитал ролини очиб беришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

сиёсий фанларда ижтимоий капитал категорияси бўйича дастлабки қарашлар, уларнинг ривожланиш босқичлари, бу борадаги илмий-назарий тадқиқотларни тизимлаштириш;

ижтимоий капитални тадқиқ этиш бўйича назарий-методологик ёндашувларни таҳлил қилиш, уларни қиёсий ўрганиш, моҳиятини очиш ва турли илмий ёндашувлар асносида мазкур концепциянинг марказий категорияларини аниқлаштириш;

ижтимоий капиталнинг шаклланиши борасидаги шароитлар, механизм ва факторларни аниқлаш, жамиятда ижтимоий капитал омилини ўлчаш ҳамда баҳолаш бўйича назарий-методологик материалларни таҳлил қилиш;

Ўзбекистон жамиятида ижтимоий капиталнинг миллий-тарихий ва замонавий кўринишларини тадқиқ этиш, мамлакатимизда ижтимоий капитал феноменининг ўзига хос хусусиятлари ва истиқболларини илмий баҳолаш;

Ўзбекистонда ижтимоий капитал ривожиди фуқаролик жамияти институтлари иштирокини кучайтириш борасида таклиф ва хулосалар ишлаб чиқиш.

⁶ Диссертацияда ушбу муаллифларнинг тадқиқотларидан кенг фойдаланилган – С.С.

Тадқиқотнинг объектини ижтимоий капитал феномени ва унинг фуқаролик жамияти тизимида тутган ўрни ташкил этади.

Тадқиқотнинг предмети ижтимоий капиталнинг шаклланиш механизмлари ва ривожланиш тенденциялари, фуқаролик жамияти институтларининг ижтимоий капитал ривожига иштироки, жамиятда ижтимоий капитални ўлчаш индикаторлари, Ўзбекистонда ижтимоий капитал тараққиётида ННТларнинг роли каби масалалардан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда тизимли таҳлил, моделлаштириш, экстраполяция, қиёсий таҳлил ва эмпирик кузатув усулларида фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:
ижтимоий алоқалар, ижтимоий нормалар, ижтимоий ишонч каби омилларга таянадиган ижтимоий капитал феномени фуқаролик жамиятининг когнитив негизини ташкил этиши билан бирга шахснинг ижтимоийлашувида муҳим индикатор эканлиги асосланган;

ижтимоий капиталнинг мамлакатимиз ҳаётида мустаҳкамланиб бориши жамиятда ҳуқуқий маданиятнинг ошишига, жамоатчилик назорати кучайишига, ватанпарварликнинг шаклланишига (фуқароларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллашувига) синергетик эффект сифатида таъсир қилиши асосланган;

халқимизнинг миллий қадриятлари, анъаналари ва менталитетининг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқиб, ижтимоий капитал устувор даражада чуқур миллий, маънавий ва диний илдизларга таяниши очиб берилган;

мамлакатимиз тараққиётининг янги босқичида фуқаролик жамияти институтлари фаолияти «давлат+ННТ, давлат+сиёсий партия, давлат+фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳамкорлиги» форматида ривожланиб бораётгани очиб берилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:
жамиятимизда ижтимоий капитал омилининг шаклланиши, ривож ва янада сайқалланиб бориши юзасидан концептуал илмий хулоса ва таклифлар ишлаб чиқилган;

замонавий хорижий ва миллий тажрибани танқидий жиҳатдан ўрганиш асосида «Кучли давлатдан – кучли фуқаролик жамияти сари» концепциясини ҳаётимизга муваффақиятли татбиқ этиш бўйича амалий тавсиялар берилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги илмий изланишнинг назарий ва амалий тадқиқот методлари ҳамда мавзу юзасидан фактографик ва статистик маълумотларнинг таҳлил этилганлиги билан белгиланади. Бундан ташқари, республика ва халқаро миқёсдаги илмий-услубий ва илмий-амалий конференция материаллари тўпламлари, ОАК рўйхатидаги махсус ҳамда хорижий илмий журналларда чоп этилган мақолалар, хулоса, амалий таклиф ва тавсияларнинг амалиётга жорий этилгани, олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги илмий натижаларнинг ишончлилиги даражасини белгилаб беради.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти фуқаролик жамияти ва унинг ижтимоий-

сиёсий ва миллий-маънавий асосларини ўрганишнинг назарий жиҳатларини янада бойитиш, олий таълим муассасаларида давлат ва жамият бошқаруви билан боғлиқ фанларни ўқитишда, маъруза матнлари ҳамда ўқув ва ўқув-методик қўлланмалар яратишда фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларидан ижтимоий сиёсат билан шуғулланувчи давлат бошқаруви органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳамда фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари, ижтимоий-сиёсий ва социал-иқтисодий тадқиқотлар олиб борадиган илмий ва илмий тадқиқот муассасалари фаолиятида қўллаш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Давлат ва жамият ҳаётини модернизация қилишда ижтимоий капитал омили, фуқаролик жамияти институтларининг ижтимоий-сиёсий жараёнлардаги иштирокини янада такомиллаштириш борасида ишлаб чиқилган амалий таклиф ва тадқиқот натижалари асосида:

ижтимоий алоқалар, ижтимоий нормалар, ижтимоий ишонч каби омилларга таянадиган ижтимоий капитал феномени фуқаролик жамиятининг когнитив негизини ташкил этиши билан бирга шахснинг ижтимоийлашувида муҳим индикатор эканлигига оид хулосалардан «Тараққиёт стратегияси» Марказининг «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси»ни ижтимоий ҳаётимизга самарали татбиқ қилиш борасидаги фаолиятида фойдаланилган («Тараққиёт стратегияси» Марказининг 2019 йил 11 апрелдаги 477/19-сонли маълумотномаси). Мазкур илмий хулосалар «Тараққиёт стратегияси» Марказининг дастурий мақсад ва иш режаларини амалга оширишга хизмат қилган;

ижтимоий капиталнинг мамлакатимиз ҳаётида мустаҳкамланиб бориши жамиятда ҳуқуқий маданиятнинг ошишига, жамоатчилик назорати кучайишига, ватанпарварликнинг шаклланишига (фуқароларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллашувига) синергетик эффе́кт сифатида таъсир қилишига оид хулоса ва таклифлар Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгашининг электорат билан олиб борилаётган ишларни янада кучайтиришда фойдаланилган (Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгашининг 2018 йил 12 апрелдаги 2-371-сонли маълумотномаси). Натижада, илмий таклиф ва тавсиялар Ўзбекистон ХДПнинг ижтимоий-сиёсий ва мафкуравий ишлари самарадорлигини оширишга, партия томонидан фуқароларни, айниқса, ёшларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини кучайтиришга қаратилган фаолиятига ижобий таъсир этган;

халқимизнинг миллий қадриятлари, анъаналари ва менталитетининг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқиб, ижтимоий капитал устувор даражада чуқур миллий, маънавий ва диний илдизларга таяниши борасидаги таклиф ва амалий хулосалардан Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлигининг тарғибот ишлари самарадорлигини оширишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлигининг 2018 йил 29 мартдаги 01.11.09.2110-сонли маълумотномаси). Мазкур таклифлар асосида вазирлик томонидан ўзбек халқининг бой миллий анъаналари, номоддий маданий мерос, миллий

ўзликни англашда жамиятимизда тарихан шаклланган ижтимоий кадриятларнинг ўрнига доир тарғибот материаллари тайёрлаш ва улардан самарали фойдаланишда ижобий натижаларга эришилган;

мамлакатимиз тараққиётининг янги босқичида фуқаролик жамияти институтлари фаолияти «давлат+ННТ, давлат+сиёсий партия, давлат+фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳамкорлиги» форматида ривожланиб бораётгани билан боғлиқ хулоса ва таклифлардан Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институтининг Рақобатдош кўп партияли тизимнинг ривожланиш жараёнларини таҳлил қилиш ҳамда Ижтимоий-иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий вазифаларни ҳал этишда ННТнинг иштирокини мониторинг қилиш шўьбалари томонидан фойдаланилган (Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институтининг 2019 йил 17 майдаги 01/711-сонли маълумотномаси). Ушбу хулоса ва таклифлар институтнинг жамиятимиз ижтимоий-сиёсий ислохотлар жараёнида ННТ ва сиёсий партиялар ролини мустақамлашга доир методик қўлланма ва «йўл харита»ларини ишлаб чиқишда илмий манба бўлиб хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 10 та илмий-амалий анжуманда, жумладан, 5 та халқаро, 5 та республика миқёсидаги анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича 27 та илмий ишлар чоп этилган. Шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертацияларининг асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 17 та мақола, жумладан, 10 таси хорижий нашрларда, 7 таси республика нашрларда чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Ишнинг тадқиқот қисми 161 саҳифадан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, унинг мақсади, вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги, амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этиш, нашр қилинган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи боби «**Ижтимоий капитал категориясини тадқиқ этишнинг назарий ва методологик асослари**» деб номланади. Унда, ижтимоий-сиёсий фанларда «ижтимоий капитал» тушунчаси, унинг пайдо бўлиши ва шаклланиш тарихи ўрганилади. Жамиятимизда ижтимоий капиталнинг ҳолати ҳамда уни ўлчаш индикаторлари, ижтимоий капитал

феноменининг ижтимоий-сиёсий муносабатлар тизимидаги ўрни тадқиқ этилган.

Ижтимоий капитал концепциясининг тарихий шаклланиши ва ривожини генезисини шартли равишда икки босқичга бўлишимиз мумкин. *Биринчи босқич* (XVIII асрдан – XX асрнинг 80 йилларигача) – *ижтимоий капитал концепцияси яратилиши учун асосларнинг пайдо бўлиши даври* ҳисобланиб, унда бир қанча ижтимоий-фалсафий қарашлар, ғоя ва концептлар йиғилиб борди. *Иккинчи босқич* (1980 йиллардан – бугунги кунгача бўлган давр) – *ижтимоий капитал концепциясининг шаклланиши ва ривожланиши даври*. Бунда мазкур концепциянинг илмий жамоатчиликка киритилиши ва бир қанча ижтимоий-гуманитар фанлар тадқиқот объектига айланиш даври бўлди.

Маълумки, «капитал» атамаси биринчи бўлиб иқтисодиётда қўлланилган (Франсуа Кенэ⁷, Адам Смит⁸) бўлсада, XX асрнинг иккинчи ярмидан сиёсий фанлар доирасида ҳам кенг тадқиқ этила бошланди (Л.Ханифан⁹, Дж.Джекобс, П.Бурдьё¹⁰, Р.Патнэм, Дж.Коулман, Ф.Фукуяма¹¹, М.Вулкок ва бошқалар).

Ижтимоий капитал тушунчасини сиёсатшунослик, иқтисодиёт, социология, психология, фалсафа фанлари тизимидаги синтези қуйидаги категориялардан иборат: ишонч; инсонларнинг ўзаро ижтимоий яқдиллиги; турли манфаатлар орқали ижтимоий гуруҳларнинг кучли бирикиши; бағрикенглик; фуқаролар фаоллиги ва бошқалар.

Диссертацияда жамиятда *ижтимоий капитал ривожини ўлчаш индикаторлари* борасида бир қанча ёндашувлар таҳлил этилган. Унга кўра, ижтимоий капитални ўлчашда фуқароларни, биринчи навбатда, давлат ва жамиятга, қолаверса, барча соҳаларда олиб борилаётган ислохотлар жараёнига ишончи, ижтимоий ҳаётдаги ўзгаришлар натижасида улар турмуш фаровонлигининг ошиши, фуқароларни ўз хоҳиш-истагига кўра нодавлат ташкилотларида иштирок этиши, фуқаролик ва сиёсий позицияси ҳамда дахлдорлик ҳиссининг юқорилиги каби омиллар муҳим аҳамият касб этади.

Тадқиқотчи олимлар (Ф.Адам, Д.Подменник, Р.Патнэм) қарашларини таҳлил қилиш асосида бугунги кунда давлатларни шартли равишда уч гуруҳга бўлиш мумкин, яъни ишонч даражаси *юқори*, *ўрта* ва *паст* бўлган давлатлар. Бундан ташқари, ижтимоий капитални ўлчашда *миқдор*, *сифат* ва *қиёсий* жиҳатларга ажратиш лозим.

Мазкур бобда глобал ва маҳаллий миқёсда ижтимоий капитал ривожланишини таҳлил қиладиган бир қанча индекс ва кўрсаткичлар, жумладан, Бутунжаҳон қадриятлар тадқиқот маркази (World Values Survey),

⁷ Кенэ Ф. Избранные экономические произведения / Франсуа Кенэ [перевод с фр. А. И. Казарин]. – М. : Соцэкгиз, 1960. С.539.

⁸ Social Capital: Reviewing the Concept and its Policy Implications, Research Paper. Canberra; Productivity Commission, AusInfo, 2003. Pp.89.

⁹ Hanifan, L. J. (1916), «The Rural School Community Centre», Annals of the American Academy of Political and Social Sciences, Vol. 67, Pp.130-138.

¹⁰ Bourdieu P. The forms of capital. In Handbook of Theory and Research for the Sociology of Education, ed. JG Richardson, New York: Greenwood. 1985.

¹¹ Фукуяма Ф. Доверие: социальные добродетели и путь к процветанию. -М.: 2008.

Legatum Institute, Бутунжаҳон ва Европа қадриятлар тадқиқоти (WVS and EVS), Евробарометр (Eurobarometer), Европа ижтимоий тадқиқотлари (ESS) каби ташкилотлар фаолияти таҳлил этилган.

Диссертацияда ижтимоий капиталнинг *тузилмавий* (фуқаролик жамияти институтларига кирувчи уюшмалар, жамоалар, ассоциациялар, клублар, ННТлар ҳамда қоидалар, тармоқлар ва бошқалар) ва *когнитив* (инсонларнинг субъектив ҳис-туйғулари, ишонч, дўстона муносабат, шериклик, қадриятлар, умум қабул қилинган ахлоқий нормалар ва б.) асослари кенг ёритиб берилган.

Шунингдек, фуқаролик жамияти ва ижтимоий капитал тараққий этган жамиятларда ижтимоий алоқаларнинг, энг аввало, горизонтал шакли яъни, горизонтал ижтимоий муносабатлари устуворлик касб этиши алоҳида қайд этилди. *Горизонтал муносабатлар* – қадриятлар тенглиги ва ишончга асосланган, ўз таркибига бағрикенглик, ўзаро ҳурмат, манфаатлар уйғунлиги, инсон ҳуқуқлари устуворлигини қамраб олган ижтимоий алоқалар тизими. Бундан ташқари, горизонтал муносабатлар ўзида ахборотлар, ресурслар, ғоялар ҳамда туйғулар билан бўлишиш имконияти ва эҳтиёжга эга бўлган ижтимоий гуруҳлардаги ўзаро алоқадорликни ҳам англантишига урғу берилади.

Шулардан келиб чиқиб, тадқиқот ишида ижтимоий капитал феноменига куйидаги таърифни ишлаб чиқдик: *«Ижтимоий капитал – социал гуруҳлар таркибида шаклланган, маълум тизим, қадриятлар ва ишонч омилига асосланган, тараққиётнинг маълум даврида моддий фаровонликка элтувчи жамиятнинг номоддий ресурсидир»*.

Тадқиқот ишининг иккинчи боби **«Ижтимоий капитал шаклланишида фуқаролик жамияти институтларининг ўрни»** деб номланиб, унда давлат ва жамият ҳаётида нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг ўрни, фуқаролик фаоллиги феномени ҳамда секторлараро ижтимоий шериклик масалалари тадқиқ этилган.

Жумладан, жамиятимиздаги кўплаб ижтимоий, сиёсий, иқтисодий, маънавий ва маърифий муаммоларни ҳал қилишда «учинчи сектор» деб аталувчи нодавлат нотижорат ташкилотлари (ННТ)нинг иштироки илмий таҳлил қилинади. Учинчи секторнинг жаҳонда ривожланиш тенденцияси, ижтимоий капитални ривожлантириш жараёнида уларнинг иштироки ва Ўзбекистонда фуқаролик жамияти институтлари фаолиятини янада такомиллаштириш борасидаги миллий тажриба баён этилган.

Тадқиқот ишида *нодавлат секторнинг иқтисодий функциялари*: аҳолини иш билан таъминлаш соҳасидаги салоҳияти; мутахассислар тайёрлаш ва ўз сафига кўнгиллиларни жалб этиши; инсоннинг ижтимоий, диний эҳтиёжларини қондириш, жамиятда ўзаро бирдамликни мустаҳкамлаш орқали бозор иқтисодиётининг шафқатсиз қонуниятлари (market failure) билан курашишга ёрдам бериши; *нодавлат секторнинг ижтимоий функциялари*: қадриятлар, манфаат ва қизиқишлар умумийлигига асосланган инсонлар учун мулоқот (хамкорлик)

«майдончаси» вазифасини ўтаб бериши; турли фикрларни жамлаган ҳолда ижтимоий фикрнинг плюрализациясини таъминлаб бериши; жамиятда ижтимоий ҳимояга муҳтож қатлам ва дискриминацияга учраётган гуруҳлар манфаатларини ҳимоя қилиш (advocacy) ва бошқалар; *нодавлат секторнинг сиёсий функциялари*: соғлиқни сақлаш, таълим, ижтимоий хизматлар, маданият соҳаларида давлат сиёсатидаги камчиликларни (пробел) тўлдириб бориши; ННТларнинг ўзига хос демократия мактаби вазифасини бажариши; фуқароларни жамоатчилик муҳокамаларида иштирок этишга, давлат ва жамият ҳаётига тааллуқли масалалар юзасидан эркин фикр билдиришга, фаол фуқаролик позициясини шакллантиришга ёрдам бериши каби бир қанча функциялари илмий таҳлил этилган.

Қолаверса, диссертацияда «*фуқаролик фаоллиги*» феномени жамиятда ижтимоий капитални шакллантирувчи муҳим фактор сифатида тадқиқ этилган. Бу борада бир қанча (Н.Аберкромби¹², Д.Джери, Б.Тернер, С.Хилл, Х.Анхер¹³, Л.Саламон) олимлар қарашлари таҳлил этилди. Фуқаролик фаоллиги – фуқароларнинг ихтиёрий равишда давлат ва жамият ишларида иштирок этиши, турли ННТлар тузиши ҳамда шу орқали социумнинг интеграциялашуви ва ижтимоий баҳамжиҳатликка ҳисса қўшиши. Бундан ташқари, фуқаролар фаоллиги асосида шаклланадиган «кўнгиллилар» (волонтерлар) қатлами фуқаролик жамиятида катта ўрин тутиши таъкидланади.

Илмий ишда Ўзбекистонда яратилаётган норматив ва институционал асослар хусусида ҳам тўхталиб ўтилган. Бунда ёшларимизнинг фуқаролик фаоллигини алоҳида таъкидлаш лозим. Жумладан, мамлакатимиздаги тадбиркорлик субъектларининг 37 фоизга яқини - айнан 35 ёшгача бўлган фуқаролар, ЎзЛиДепнинг 40%, «Миллий тикланиш» ДПнинг 42,3%, Халқ демократик партиясининг 31,2%, «Адолат» СДПнинг 30,5% аъзолари ёшларни (30 ёшгача) ташкил этиши¹⁴ аҳамиятга молик.

Диссертацияда бугунги куннинг ижтимоий-сиёсий инновацияларидан ҳисобланган *секторлараро ижтимоий шериклик* концепцияси ҳам тадқиқ этилган. «Секторлараро ижтимоий шериклик» категориясини инсониятнинг барқарор тараққиётга эришиш мақсади учун шериклар ўртасидаги алоҳида муносабат шакли сифатида эътироф этиш мумкин. Ҳозирда «секторлараро шериклик, энг аввало, шерикларнинг мақсадлари, масшаби, мураккаблиги, ҳаракат даражаси (локал ёки глобал), кўлами ва ранг-баранглиги билан ажралиб туради»¹⁵. Секторлараро шериклик – маълум маънодаги қарама-

¹² Аберкромби Н. Социологический словарь. – 2-е изд., перераб. и доп. изд. – М.: ЗАО «Экономика», 2004. - С. 188.; Джери Д. Большой толковый социологический словарь: русско-английский, англо-русский. том 1. - М.: Вече-АСТ, 1999. - С. 83.

¹³ Anheier H. K., Salamon L. M. Volunteering in cross-national perspective: Initial comparisons. Civil Society Working Paper 10. 2001. - Pp. 5.

¹⁴ Муаллифлар жамоаси. Фуқаролик жамияти институтлари салоҳиятини мустаҳкамлаш, жамиятнинг ҳуқуқий маданияти ва ижтимоий фаоллигини оширишга оид Ўзбекистон тажрибаси. Ўқув қўлланма. -Т.: 2017. - Б.49.

¹⁵ Михеев А.Н.Многосторонние партнерства: определение, принципы, типология, процесс осуществления // Информационное общество. 2005. № 3. - С.18-25.

қаршиликка эга, умумий фаровонликни кўзловчи ижтимоий ҳодиса дейиш мумкин¹⁶.

Давлат секторининг жамоат ташкилотлари билан шериклик ўрнатиши давлат тизимининг легитимлигини оширишга ёрдам берувчи сиёсатни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш имконини беради. *Жамоат ташкилотлари* учун эса мазкур шериклик ташкилий ривожланиш, кўшимча ресурсларга эга бўлиш, лоббизм маҳоратининг шаклланиши, ННТнинг жамиятда тан олинishi ва статусининг мустаҳкамланиши билан изоҳланади. Мазкур шериклик *бизнес сектори* учун ўз брендининг обрўсини яхшилаш, маҳаллий бозорларда унга бўлган ижобий муносабат шаклланиши, рискларни бошқариш имкониятини кенгайтириш, янги кадрларни жалб қилиш, ушлаб туриш ва мотивациясини оширишга ёрдам бергани ҳолда бизнеснинг гуманизациясига асос бўлиб хизмат қилади.

Шунингдек, диссертацияда секторлараро ижтимоий шериклик концепцияси миллий фанмиз учун нисбатан янги йўналиш сифатида эътироф этилади. Бугунги кунда ҳуқуқий давлат, эркин фуқаролик жамияти ва бозор иқтисодиётини шакллантириш жараёнларини секторлараро ижтимоий шерикликсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Шу асосда, 2014 йил 25 сентябрда Ўзбекистон Республикасининг «Ижтимоий шериклик тўғрисида»ги Қонуни қабул қилиниши ва бугунги кунда жамиятимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги ўрни хусусида таҳлиллар бериб ўтилган.

Диссертациянинг учинчи боби «**Ўзбекистонда кучли фуқаролик жамияти ва ижтимоий капитал ривожининг ижтимоий-сиёсий асослари**» деб номланади. Мазкур бобда Ўзбекистонда кучли фуқаролик жамияти шаклланишининг асосий мезонлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқарув тизими – маҳалла институтининг ижтимоий-сиёсий ҳаётимизда тутган ўрни ҳамда мамлакатимизда кўппартиявийлик тизими ривожидида ижтимоий капитал омилининг ролига алоҳида эътибор берилган.

Жумладан, мамлакатимизнинг Биринчи Президенти И.Каримов: «*Биз учун фуқаролик жамияти – ижтимоий макон. Бу маконда қонун устувор бўлиб, у инсоннинг ўз-ўзини камол топтиришига монелик қилмайди, аксинча, ёрдам беради*»¹⁷, дея таъриф берган эди. Фуқаролик жамияти, энг аввало, ижтимоий муносабатлар жараёнида ўз аксини топиб, мамлакатда демократия, ҳуқуқий давлат ва шахс эркинликларини таъминлашнинг муҳим кафолати бўлиб хизмат қилади.

Мазкур илмий ишда Ўзбекистонда кучли фуқаролик жамиятини шакллантириш борасида қуйидаги мезон (индикатор)ларни ишлаб чиқиш ва концептуал жиҳатдан асослашга ҳаракат қилдик:

¹⁶ Плотников А.И. Межсекторное партнерство как социальная инновация для муниципальной власти России//Современные научные исследования и инновации. 2011. № 1 [Электронный ресурс]. <http://web.snauka.ru/issues/2011/05/404> (дата обращения: 11.01.2018).

¹⁷ Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва таракқиёт кафолатлари. -Т.: Ўзбекистон. 1998. – Б. 139-140.

биринчидан, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари эркин ва мустақил фаолият юритиши учун самарали қонунчилик асосларининг яратилганлиги;

иккинчидан, республикамизда фуқаролик жамияти институтлари фаолияти ривожланишининг иқтисодий ва ташкилий кафолатларининг шаклланиши;

учинчидан, ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятининг ажралмас бўғини ҳисобланган кўппартиявийлик тизимининг қарор топиши;

тўртинчидан, оммавий ахборот воситаларининг очиқлиги ва самарали фаолиятининг тобора кенгайиб бориши;

бешинчидан, халқ билан очиқ мулоқот ҳолати ва унинг ривожланиши, давлат органлари фаолиятининг очиқлиги, жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш тизимининг яратилиши¹⁸;

олтинчидан, демократик ислохотларни чуқурлаштириш жараёнлари, аҳолининг ижтимоий кайфиятига таъсир этувчи омиллар, фуқаролик жамиятига оид кенг ижтимоий тадқиқотларни ташкил этиш ва ўтказишнинг такомиллашуви;

еттинчидан, фуқаролик жамиятининг энг асосий бўғинларидан бири ҳисобланган ўзини ўзи бошқариш тизимининг янада самарали фаолият юргизиши;

саккизинчидан, фуқаролик жамияти шаклланишининг муҳим индикаторларидан яна бири – ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишда давлат ва жамоат ташкилотлари фаолияти, ёшларга таълим бериш ва уларни тарбиялаш, уларнинг бандлигини таъминлаш, дам олишларини ташкил этиш ва бўш вақтларини мазмунли ўтказишга оид ижтимоий аҳамиятга молик лойиҳаларни амалга ошириш¹⁹;

тўққизинчидан, мамлакатимизда фуқаролик жамияти билан боғлиқ хусусий мулкни ривожлантириш ва унинг очиқлик даражасини таъминлаш;

ўнинчидан, фуқаролик жамиятининг муҳим ва яқуний индикатори сифатида ижтимоий капиталнинг тобора юксалиб боришини киритишимиз мумкин.

Ўзбекистонда фуқаролик жамияти шаклланишида тадрижийлик ва узокни ўйлаб ҳаракат қилиш омили катта аҳамият касб этади. Бу борада мамлакатимиз, энг аввало, ўзига хос йўлни танлаган, «бу йўл – эркин, демократик, инсонпарвар давлат қуриш, фуқаролик жамиятини шакллантириш, Ватанимиз иқтисодий қудратини юксалтириш ва янада равнақ топтиришнинг мустаҳкам замини»²⁰ ни яратишдан иборат.

Шу билан бирга, илмий изланиш ва таҳлиллар натижасида айрим омилларни алоҳида таъкидлаш мумкин, бугунги кунда Ўзбекистонда

¹⁸ Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш тизимини тубдан такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони. 28.12.2016. // [Электрон манба] www.lex.uz.

¹⁹ Ўзбекистон Республикасининг «Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида»ги Қонуни // [Электрон манба] www.lex.uz.

²⁰ Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. -Т.: Ўзбекистон. 2016. Б.8.

фуқаролик жамиятини янада ривожлантириш борасида нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятида айрим камчилик ва муаммолар ҳам мавжуд. Булар жумласига нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини молиялаштириш масаласини киритиш мумкин. ННТ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини молиялаштириш масаласида дунёнинг ривожланган мамлакатларида кенг қўлланиладиган аъзолик бадаллари, хайрия ёрдамларининг етарли даражада эмаслиги, умуман олганда, маҳаллий ННТларда самарали *фандрейзинг* стратегиясининг мавжуд эмаслигини ҳам қайд этиш лозим.

